

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ (1991-2010 йилларда чоп этилган адабиётлар мисолида)

Қличев У., ЎЗМУ тадқиқотчиси

Бугунги кунда мамлакатда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва зарур масалаларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Унинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” асарида шундай дейилади: “Миллий ҳунармандчиликнинг атлас тўқиш, кулолчилик, дўппидўзлик, сандиқсозлик, ёғоч ўймакорлиги каби турлари қадим-қадимдан ривожланган.

Бу соҳада бор имкониятлардан кенгрок фойдаланиб, ҳунармандларга мини кредитлар беришни такомиллаштириш, уларга берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш зарур”. Бундан ташқари, Президентимизнинг бир қатор асарларида миллий ҳунармандчилик ва унинг асосида касаначиликни янада ривожлантириш, бу борада амалга ошириш мумкин бўлган янги имкониятлар ва унинг аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларда бир гуруҳ сиёсатчи, иқтисодчи, санъатшунос ва тарихчи олимлар тарихшуносликнинг методологик тамойилларига суянган ҳолда мавзунини ҳар жиҳатдан қамраб олиб, эски ақидалардан халос бўлишга интилаётганликлари диққатга сазовордир.

Айниқса, санъатшунос мутахассислар томонидан даврий журналларда нашр этилган илмий мақолалар ҳамда адабиётлар муҳим моҳият касб этади.

Миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши юзасидан маълум мулоҳазалар педагогика ва психология йўналишларида ҳам олиб борилган. Шунингдек, бир қатор илмий-оммабоп журнал ва ўқув-услубий қўлланма, дарсликларда миллий ҳунармандчиликда кадрлар тайёрлаш педагогик йўл-йўриқларининг айрим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Айрим адабиётларда Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик тарихи, бугунги заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, каштачилик, мискарлик, ёғоч ўймакорлик соҳаларининг ривожланиши, касаначилик асосида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш имкониятлари, минтақаларда ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва тараққиёти, ҳунарманд аёллар фаолияти ва ҳунарманд усталар томонидан миллий ҳунармандчиликнинг жаҳонда танилишининг айрим томонлари янгича асосларда ёритиб берилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий давлатчилиги тарихини янгидан яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатчилик тарихида ҳар томонлама муҳим ўрин тутган Қарши, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг юбилейларига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциялар ва симпозиумларда тадқиқотчиларнинг ҳудудлар ҳунармандчилиги тўғрисида янги материаллари эълон қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур адабиётларда мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва унинг аҳамияти ўрганилган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу адабиётларда ҳам миллий ҳунармандчилик тарихи ва бугунги аҳволи ҳақида маълум бир тушунча ҳамда маълумотлар берилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.:Ўзбекистон, 8-том. 2000.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон, 2-том. 1996.